Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 10 ИЮНЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (13.181)

Баҳоси эркин нархда

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.









БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ҳордиқ чиқариши, ўз кучи, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган шароитлар юксак самаралар бераётганини таъкидлаб ўтдилар.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини ёшларга етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ёшларимизни янги марралар сари руҳлантириш, Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини янада ошириш ва уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш мақсадида 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестивалнинг нуфузи йилдан йилга ошиб, қамрови кенгайиб бормоқда.

Фестиваль доирасида пойтахтимизда ўтказилган тадбирларнинг жорий йилгиси янада кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу тадбирларнинг дастлабки йилларида 250 минг нафардан кўпроқ ёшлар қатнашган бўлса, бу йилги фестиваль лойиҳаларида 515 мингдан ортиқ ёшлар бевосита иштирок этди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, уч кун давомида фестиваль доирасидаги 18 та лойиҳа, алоҳида дастур асосида ташкил этилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Бу менинг Ватаним", "Одам савдоси — давр муаммоси", "Талабалар театр студиялари", "Ватаним — менинг фахрим!", "Нуронийлар эъзозимизда" каби лойиҳалар фестивалнинг асосий мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирди. Ушбу тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ва санъат арбоблари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, ёш олимлар, катта ютуқларга эришган ёшлар, спорт юлдузлари, шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда)

"TAGES ANZEIGER":

"ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МАДАНИЙ ЮРАГИ"

"Tages Anzeiger" он-лайн газетаси (Швейцария)да мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола чоп этилди. Унда республикамизнинг табиий иқлим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда минтақалардаги ўзига хосликлар хусусида батафсил ҳикоя қилинган.

Мазкур мақола юртимизга европалик сайёҳларнинг сафарларини ташкил этадиган "Kira-Reisen" туркомпанияси томонидан тайёрланган.

"Tages Anzeiger" ўз ўқувчиларини ўлкамиз ҳақидаги асосий маълумотлар, яъни юртимиз аҳолиси, ўзбек халқининг қадриятлари, урф-одат ва анъаналари билан таништирар экан, мамлакатимизда юздан зиёд миллатлар вакиллари истиқомат қилишини алоҳида таъкидлайди. Қайд этилганидек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ҳамда бошқа қўҳна шаҳарлар кўп асрлар давомида тараққиёт, маънавият, маданият ва илм-фан маркази бўлиб келган. Ўзбек заминида таваллуд топган кўплаб буюк олимлар, файласуф ҳамда шоирлар инсоният цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган.

"Ўзбекистонга келган сайёҳ мамлакатдаги маънавий-тарихий мероснинг улуғворлигига гувоҳ бўлади. Тарихий шаҳарлар нилий гумбазлари, меъморий ёдгорликларига хос бўлган маҳобати ва гўзаллиги билан кишини мафтун қилади", дея эътироф этилган материалда.

Мақолада таъкидланганидек, кишилик жамияти тарихидаги энг қўҳна трансконтинентал коммуникациялардан бири — Буюк Ипак йўлининг бунёд бўлиши ҳамда ривожланишида Ўзбекистон муҳим ўрин тутган. Бу ерда савдо-сотиқ билан бирга, маданият ва санъат гуллаб-яшнаган. Бу эса ўзбек заминини том маънода "Марказий Осиёнинг маданий юраги"га айлантирган.

"Жаҳон" АА.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг "Қонунларни ҳаётга жорий этиш механизмларини такомиллаштириш – давр талаби" мавзусида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти масъул ходимлари, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича улкан тажриба тўплангани, бу миллий қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, аҳолининг қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларидан хабардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастурламал бўлмоқда.

– Унга кўра ташкил этилган қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси самарали фаолият кўрсатмоқда, – дейди партия фракцияси аъзоси Умид Сулаймонов. – Ҳозир миллий базага 40 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат киритилган. Миллий база мунтазам янгиланиб бормоқда. Истовчилар ундан бепул ва ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланмоқда.

Тадбирда қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланиш борасида хориж тажрибаси хусусида ҳам фикр алмашилди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Самарқандда умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда ёшлар муаммолари ва уларнинг ечимига бағишланган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ўтказилди.

● Чиноз туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Ёш сиёсатчи – 2016" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган танловда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, ҳудудда турли соҳада фаолият олиб бораётган ёшлар ўзаро баҳслашди.

● Сурхондарё вилоятининг Олтинсой ва Қизириқ туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Колумбияда ер кўчиши натижасида беш киши ҳалок бўлди, 30 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Кеча Суданда 12 нафар зиёратчилар улар кетаётган автобуснинг автоцистерна билан тўқнашиб кетиши натижасида ҳаётдан кўз юмди.

● Евроҳудудда иқтисодий ўсиш жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,6 фоизни ташкил этди. Бунда истеъмол харажатлари, компаниялар томонидан ажратилган инвестициялар ҳажмининг ошгани асосий омил бўлди. Айниқса, Германия, Франция ва Италияда бу борада ижобий натижаларга эришилган. Айни пайтда ягона валюта бирлигига аъзо давлатларда импорт кўрсаткичлари экспортга нисбатан ошиб кетган.















(Давоми. Боши 1-бетда)

— Юртимизда ёшлар учун барча шарт-шароит, имконият, меҳр-эътибор етарли, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати ходими Азиза Раҳматуллаева. — Фестиваль доирасида ўтказилган ҳар бир тадбир ўзига хослиги ва азалий қадриятларимизни акс эттиргани билан қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёши улуғ отахону онахонлар, кичкинтой ўғил-қизларнинг тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз иқтидор ва истеъдодини намойиш этгани уларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолатдир.

Ёшлар келажагимиз. Эртанги кунимизнинг давомчилари, ишонган суянчимиз, бошлаган хайрли ишларимизнинг муносиб ворислари. Бугун қайси бир соҳага назар солмайлик, унда ёшлар билан боғлиқ ҳар бир жараёнда, уларга бўлган катта имтиёзлар, алоҳида ғамхўрлик ва эътиборни кўрамиз. Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларимиз, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим даргоҳларида яратилаётган шарт-шароитлар ёш авлоднинг пухта билим олишларига замин яратмоқда. Айниқса, шу йили "Ким эдиг-у ким бўлдик. Эртага бизни қандай марралар кутмоқда" шиори остида юртимиз бўйлаб ўтказилган тадбир ёшларимиз қувончига қувонч, ғайратига ғайрат қўшди десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир ўтказилган тадбирдан ёшлар ўзларига керакли хулосани олдилар, миллий ўзлигимизни англаш, энг олий неъмат бўлмиш мустақиллигимизнинг қадрига етишнинг мағзини чақдилар. Зеро, кечаги кун билан эмас, эртасини ўйлаб яшаётган ҳар бир инсон ўзининг бахтли келажагини, истиқболини кўра олади.

Ёруғ келажагини барпо этишда ўз мақсадлари сари илдам бораётган ёшларнинг дил сўзларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

– Фестиваль доирасида ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида 2200 дан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилди, – дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Бобир Мирзаев. – Уларга 390 мингдан зиёд ўқувчи ва талабалар жалб этилди. Тарғибот тадбирларимизнинг "Ватанимга хизмат қиламан", "Бу менинг Ватаним" лойиҳалари янги лойиҳаларимиздир. Шу ўринда айтиш жоиз "Ҳоким ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар" лойиҳаларида ўтказилган учрашувларда ёшларимизнинг таклиф ва истаклари ўрганиб чиқилиб, Ҳаракат томонидан келгусидаги режалар дастурлари белгилаб олинди.

– Ўтказилган тадбирлар ҳамда бугунги гала концерт ёшлар қалбида унутилмас из қолдиради десам адашмайман, – дейди Маҳлиё Тўрабоева. – Биз шу тадбирлар давомида мустақиллик, тинчлик каби энг азиз неъматнинг чин мазмунини, уларга эришиш нечоғлик машаққатли бўлганини тушуниб етдик. Юртимиздаги барча ёшлар шу диёрда туғилиб ўсганидан, яшаётганидан фахрланиши керак. Чунки бизнинг мустақил Ватанимиз, ёшларга ғамхўр Президентимиз, тараққиёт сари танлаган йўлимиз бор. Шундай экан, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

– Очиғини айтсам, бугун шу она юрт фарзанди эканимдан фахрланиб кетдим, – дейди Яшнобод туманидаги Авиация касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Алишер Зуфаров. – Давлатимизнинг ёшларга нечоғлик меҳрибон ва эътиборлилигини мана шундай фестиваллар ҳам кўрсатиб турибди. Бугун биз, Ўзбекистон ёшлари бахтлимиз дея баралла айтамиз. Чунки Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон каби буюк зотлар авлодимиз. Шонли тарихи, порлоқ келажаги бўлган буюк юртда ўсмоқдамиз. Биз чиндан ҳам буюк юрт фарзандларимиз!

Ёшларни мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ва шукроналик туйғусини шакллантириш, ёшларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш, уларни халқимиз ҳамда миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсад йўлида ташкил этилган ушбу фестиваль давомида 100 дан зиёд иқтидорли ва ижодкор ёшлар кашф этилиб, уларнинг ижод намуналари Ҳаракат муассислигидаги нашрларда ҳамда алоҳида тўплам сифатида чоп этилиши режалаштирилди.

Тадбир якунида Ҳаракат томонидан ташкил этилган тарғибот тадбирларининг фаол иштирокчилари, иқтидорли йигит-қизлар, "Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман ҳокими", "Тадбирларни сифатли ташкил этган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши" каби қатор номинациялар бўйича рағбатлантирилиб, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида элимиз ардоғидаги санъаткорлар, эстрадамиз юлдузлари ижросида янграган она Ватан, дўстлик, ёшлик ва муҳаббат наволари фестивалга янада кўтаринкилик, шоду хуррамлик бахш этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Маҳалла – халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган ушбу маскан қадрдон уйимиз ҳисобланади.

Айни кунларда республикамиз, хусусан пойтахтимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қизғин давом этмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараёнда аҳоли фаол иштирок этиб, муносиб номзодларга овоз бераётир. Чунончи, бугун маҳаллага ким етакчилик қилиши лозимлигини ҳар бир фуқаро яхши англайди.

Юнусобод туманидаги "Уч қаҳрамон" маҳалласида ҳам сайлов муқобиллик асосида ўтказилди. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлардан сайланган 74 нафар вакилнинг тўлиқ иштирокида раисликка номзоди кўрсатилган уч нафар фуқаро йиғилганларни ўзларининг келгуси дастурлари билан таништирдилар. Номзодлар дастурида маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, маҳаллани кичик бизнес ва ҳунармандлик марказига айлантириш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, ёшлар таълим-тарбияси ва ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги асосий мақсад қилиб олингани сайловчиларга манзур бўлди.

Сайлов натижаларига кўра, очиқ овоз бериш йўли билан энг кўп овоз олган Фофур Муҳидов ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига қайта сайланди. Маслаҳатчилар лавозимига кўрсатилган 19 номзоднинг 19 нафари очиқ овоз бериш йўли билан сайланди.

— Сайловда билдирилган ишончни оқлаш катта масъулият талаб этади, — дейди "Уч қаҳрамон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фофур Муҳидов. — Асосий мақсадимиз аҳоли билан елкама-елка бўлиб, ҳудудни янада ободонлаштириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилишдир. Бу борада маҳалла маслаҳатчилари ва фаолларнинг амалий ёрдами, қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этади.

Зиёда РАСУЛОВА

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида туман солиқ инспекциялари масъул ходимлари ҳамда Суд ижрочилари департаменти вакиллари иштирокида қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича жорий йилнинг 2-чораси учун белгиланган прогноз кўрсаткичилари бажарилишини таъминлаш ҳамда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигини муваффақиятли якунлаш масалаларига қаратилди.

Айтиш жоизки, жойларда мавжуд солиқ қарзларини қисқартириш мақсадида 2016 йил 7 июнь куни Суд ижрочилари департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг ҳамкорликдаги қўшма буйруғи тасдиқланди. Мавзу юзасидан Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи Ж.Ражабов, Суд ижрочилари департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Рустамов, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ бўйича қарзларни ундириш бош бошқармаси бошлиғи О.Набиевларнинг маърузалари тингланди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2010 йил 3 февралда тасдиқланган "Солиқ қарзини суд ижро ҳужжатлари асосида ундириб олиш бўйича Суд департаменти ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Суд ижрочилари департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг 2016 йил май ойида қўшма буйруғи ишлаб чиқилиб, шу асосда чора-тадбирлар кучайтирилди.

Хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалардан солиқ қарзи мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектлари мансабдор шахсларининг масъулиятини янада ошириш орқали муддатида тўланмаган тўловлар миқдорини қисқартириш мақсадида қарздорларга керакли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Йиғилишда Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтилди, — дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи Ж.Ражабов. — Масалан, Солиқ кодексининг эски таҳрирдаги 114-моддасида кирим қилинмаган товарларни сақлаганлик учун кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида жарима қўлланилган бўлса, киритилган ўзгартиришлар натижасида жарима миқдори камайтирилиб, кирим қилинмаган товар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима солиниши белгилаб қўйилди. Бу ўзгартиришлар солиқ қарздорлигини ҳосил бўлишига, шунингдек, корхоналарнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имкониятлардан биридир.

Қўшма йиғилишда ўтган даврда йўл қўйилган камчиликларга танқидий баҳо берган ҳолда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигини муваффақиятли якунлаш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ТИНЧЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, оилалар фаровонлиги, маҳаллалар ободлиги халқимизга хос меҳр-оқибат, тотувлик, ҳамжиҳатлик самарасидир.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшларнинг замонавий билим, касб-ҳунарни пухта эгаллаши билан бирга уларнинг онгу қалбига эзгу фазилат, Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига ҳурмат туйғуларини камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Келажагимиз ворисларига мустақилликка эришганимиздан сўнг, халқимиз учун миллий давлатчилик ўзлигимиз, ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш бўйича илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берилди.

Шу кунларда мамлакатимиз пойтахти туманларидаги касб-ҳунар коллежи, лицей, ўқув муассасалари ва таълим даргоҳларида ўтказилаётган маънавий-маърифий учрашув ва давра суҳбатларида шу ҳақда сўз юритилмоқда.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тайёрланган "Тинчлик — олий неъмат" деб номланган видеофильм намойиш этилмоқда.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, юз бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариши, фуқароларимизнинг турмуш даражасини юксалтираётган тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлиги мазкур видеофильмда ўз аксини топган. Шунингдек, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида эришилаётган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамияти, бугунги кундаги тинчлик ва тотувликнинг қадр-қимматини чуқур англаш, огоҳлик давр талаби эканлиги аниқ фактлар асосида тушунтириб берилмоқда.

Давлатимизнинг Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар ва миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятидаги кескин ўзгариш ва янгиланишлар акс эттирилиши, шунингдек, бугунги кунда турли давлатларда юз бераётган нотинчликлар диний экстремистик оқимлар томонидан амалга оширилаётган хунрезликлар уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини очиб беришга қаратилган.

Бундан асосий мақсад ёшлар ва мамлакатимиз фуқаролари, Ватанимиз тақдири, унинг тинчлиги ва ёрқин келажагига дахлдорлиги, тинчлик ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, шукроналар қилиш, тинчликнинг қадр-қимматини янада теранроқ англаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги тушунтириб ўтилган.

Шунингдек, фильмда аҳолини иш билан таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб берилиши, мамлакатимиз ёшлари ҳамда коллеж битирувчилари учун яратилган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида ҳам тушунтиришлар ўз аксини топган.

Мирзоҳид ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходими

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикасида шамол энергетикаси салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда табиий-иқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Фанлар академияси, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари, шамол энергетикаси қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналар, муҳандислик-консалтинг компаниялари вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Б.Хўжаев, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси И.Босидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда энергия тежайдиган технологиялар ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари кенг жорий этилаётгани ва бу мамлакатимиз энергия самарадорлигини ошириш ҳамда энергия хавфсизлигини таъминлаш имконини бераётганини таъкидлади.

Айни пайтда бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилиб, шамол энергетикасини ривожлантириш салоҳиятини баҳолашга доир изчил ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда етакчи халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг шамол энергетикаси салоҳияти йилига 520 гигаватт электр энергиясини ташкил этади ва бу янги энергетика объектлари қуриш ҳамда иш ўринлари ташкил этиш учун кенг имкониятлар бермоқда. Шу мақсадда компьютерда моделлаштириш усули ёрдамида Ўзбекистон шамол энергетикаси салоҳиятининг интерфаол ахборот-таҳлилий тизимини ифода этадиган шамоллар атласи ишлаб чиқилди. Бунинг асосида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида икки истиқболли участка белгиланди.

Бу участкаларда ўн икки ой давомида амалга оширилган ўлчаш ишлари натижалари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳар бир объектнинг рентабеллиги тасдиқланди.

– Бугунги кунда шамол энергиясидан фойдаланиш муқобил энергетиканинг рақобатбардош турларидан биридир, – дейди "Geo-net" компаниясининг лойиҳалари менежери Й.Бекер (Германия). – Ўзбекистон йирик шамол электр станцияларининг ишлаши учун керакли катта ҳажмдаги шамол ресурсларига эга. Бу борада қатор илмий тадқиқотлар ўтказдик ва унга амин бўлдик. Мамлакатингизда шамол энергетикасининг ривожлантирилиши нафақат энергия манбаларини диверсификация қилиш, балки турли ҳудудларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Конференцияда шамол энергетикаси қурилмалари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар вакиллари лойиҳаларни амалга ошириш борасида тажриба алмашди, турбинасозлик соҳасидаги янги технологиялар тақдимоти ўтказилди.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Тошкент давлат юридик университетида "Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади.

Оиланинг тинчлиги жамият ва давлатнинг барқарорлиги, оналик ва болалик авлодлар бардавомлигининг муҳим омилидир. Мустақиллик туфайли улар янгича маъно-мазмун касб этди. Бунда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, оналар ва болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, оилалар барқарорлигини таъминлашга эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. 65-моддада оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилингани, "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси ратификация қилингани ҳам оила, оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтирди.

Конференцияда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ва уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

– Бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, эрта турмушга чиқиш ҳолатларининг олдини олиш, қизларнинг касб-ҳунарга эга бўлиб, ҳаётни англаб турмуш қуриши учун шароит яратиш долзарб аҳамиятга эга, – дейди юридик фанлар доктори Феруза Муҳиддинова. – Шундагина улар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай эзгу ниятни амалга татбиқ этиш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин олган сурат

Пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон" спорт мажмуасида бокс бўйича Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) олтинчи мавсум финал жанглари ўтказилди.

ФИНАЛЧИЛАР РИНГГА КЎТАРИЛДИ

Бош соврин учун Кубанинг "Cuba Domadores" жамоаси Буюк Британиянинг "British Lionhearts" вакиллари билан куч синашди. Бу жангларда кубалик маҳоратли боксчиларнинг устунлиги яққол ажралиб турди.

Океан орти вакилларининг йўллаган кучли зарбалари олдида британиялик боксчилар ҳам ожиз қолишди ва фақатгина сўнгги ўнинчи беллашувда британияликлар битта ғалабага эришди. Бироқ бу ютуқ амалда ҳеч нарсани ўзгартирмади. Шу тариқа, бу йилги Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) олтинчи мавсуми Куба вакилларининг ғалабаси билан якунланди. Финалдаги ҳисоб — 9:1.

Эслатиб ўтамиз, "Cuba Domadores" жамоаси ярим финалда ҳамюртларимиз устидан зафар қучган эди.

ТАЭКВОНДОЧИМИЗ ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Америка Қўшма Штатларида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ёшлар ўртасидаги навбатдаги халқаро турнир бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, ушбу мусобақада муносиб иштирок этган ўзбекистонлик иқтидорли таэквондочи юз нафардан зиёд спортчилар орасида совриндорлар қаторидан жой олишга муваффақ бўлди.

13-14 ёшлилар тоифасида қатнашган Убайдулла Саидакбаров мусобақада иккита медални қўлга киритди. Ўзининг аниқ, тезкор ва дадил ҳаракатлари эвазига барча рақибларини мағлубиятга учратган Убайдулла олтин медаль эгасига айланди. Шунингдек, кўргазмали машқларда ҳам фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Таъкидлаш жоиз, ёш спортчимизнинг мураббийлари томонидан берилган кўрсатмаларни тўғри бажаргани шундай юқори натижа қайд этилишига сабаб бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йил 10 июндан бошлаб 10 июль соат 18.00 га қадар Шайхонтоҳур тумани Марказ 14,17а-уй (Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

— Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома;

— махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

— бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

— талабгорларнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

— талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йилнинг 15 июль куни соат 16.00 да Шайхонтоҳур тумани Марказ 14, 17 а-уй (Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан shayxontohur @uzedu.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 244-65-03 телефонларига мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	10	У.Юсупов кўчаси, 105-уй
2	13	Самарқанд Дарбоза, 184-уй
3	19	Марказ,13-уй
4	20	Тахтапул, 26-уй
5	34	Бешёғоч даҳаси
6	39	Шуманай кўчаси, 39-уй
7	40	Оқсой кўчаси, 4-уй
8	41	Маннон Уйғур кўчаси, 103-уй
9	42	А.Қодирий кўчаси, 1а-уй
10	45	Ўзгариш кўчаси, 58-уй
11	59	Ҳ.Раҳматуллаев тор кўчаси, 1-уй
12	82	Чорсу даҳаси, 1а-уй
13	84	Бунёдкор шоҳ кўчаси
14	85	Самарқанд Дарбоза кўчаси, 103-уй
15	92	Тинчлик 3-тор кўчаси
16	102	Боғ кўчаси, 27-уй
17	113	Шомаҳмудов тошкўча кўчаси, 105-уй
18	115	Марказ-13-40
19	132	Матлубот кўчаси, 1-уй
20	136	Шофайз маҳалласи, 4-тор кўчаси
21	141	Шерозий кўчаси, 43 а-уй
22	157	Мужрим Обид кўчаси, 3-уй
23	167	Р.Файзий кўчаси, 2-уй
24	169	Бедил кўчаси, 1-уй
25	180	Увайсий кўчаси, 1-уй
26	186	Орифон кўчаси, 39-уй
27	192	Қўрғонча кўчаси, 7-уй
28	254	Оқтепа даҳаси
29	262	Ибн Сино 1-мавзеси
30	276	Ибн Сино 2-мавзеси
31	299	Жарариқ мавзеси
32	314	Белтепа 5-тор кўчаси, 52-уй
33	316	Белтепа мавзеси
34	320	Жарариқ мавзеси
35	324	Қоратош мавзеси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Миробод туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шуни маълум қиладики Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидаги мактабларда соғлом овқатланиш шарт-шароитини яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этувчилар аризалари 2016 йил 10 июндан бошлаб 2016 йил 10 июль соат 18:00 га қадар Миробод туман ТХТМФМТТЭБда қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан танлов комиссиясига муҳрланган конвертларда (агар муҳр мавжуд бўлса) тақдим этиш тавсия этилади:

- Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома.
- Махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.
- Бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси.
- Талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари.
- Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий-намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йил 20 июль куни соат 10:00 да Миробод туман ҳокимиятида бўлиб ўтади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар:

Манзил: **Toshkent shahri, Mirobod tumani, Afrosiyob ko`chasi, 6-uy Tel.: (99871) 256-30-47, faks: 256-30-09** web-site:mirobodtxtb.uz, E-mail: mirobod_txtb@xtv.uz

Ошхонаси танловга қўйилаётган Миробод туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

№	Мактаб рақами	Манзили
1	31-мактаб	Қўйлиқ 2-3а
2	57-мактаб	Сариқўл кўчаси, 5-уй
3	60-мактаб	Чехов кўчаси, 23
4	83-мактаб	Оқ йўл кўчаси, 68
5	94-мактаб	Нукус кўчаси, 26-1
6	110-мактаб	Яккачинор кўчаси, 9
7	125-мактаб	Қўйлиқ 4-33а
8	147-мактаб	1-тор Дашнобод кўчаси, 60
9	154-мактаб	А.Фитрат кўчаси, 2а
10	158-мактаб	Таллимаржон кўчаси 2а
11	175-мактаб	Сариқўл кўчаси, 24
12	213-мактаб	Бадахшон-2 тор кўчаси, 7-уй
13	214-мактаб	Файзиобод, 11-тор кўчаси, 2
14	218-мактаб	Қўйлиқ 1 -12 а
15	263-мактаб	Қўйлиқ 2-3 а
16	294-мактаб	Эски Сариқўл кўчаси, 9-уй
17	328-мактаб	Миробод даҳаси

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига

ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Яшнобод филиалига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган умумий майдони 74,0 кв.м. бўлган "5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми" қўйилмоқда, бошланғич баҳоси 230 831 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 11 июль куни соат 11-00 да Республика Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдо 2016 йилнинг 26 июль, 11 август кунлари соат 11-00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви" ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур эълон бўйича ҳужжатлар 2016 йил 10 июнь кунидан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16-00 да тўхтатилади.

